

**ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ИНСТИТУТИНИ ҲАМДА
УЛАРНИ БОЖХОНА АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Юлдашев Жасурбек.

Божхона институти мустақил изланувчиси.

Ушбу мақолада Ўзбекистондаги Ваколатли иқтисодий операторлар тушунчаси, ушбу тизимдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларнинг ечимлари келтирилган.

В данной статье представлена концепция Уполномоченных экономических операторов в Узбекистане, анализ существующих проблем в этой системе и пути их решения.

This article presents the concept of Authorized Economic Operators in Uzbekistan, an analysis of existing problems in this system and their solutions.

Taniyanch soʻzlar: *Ваколатли иқтисодий операторлар, божхона аудити, божхона брокери, божхона омбори эгалари, божхона ташувчилари, товарларни импорт ва (ёки) экспортини амалга ошириш соҳасида фаолият юритувчи шахслар.*

Ключевые слова: *Уполномоченные экономические операторы, таможенный аудит, таможенный брокер, владельцы таможенных складов, таможенные перевозчики, лица осуществляющие импорт и (или) экспорт товаров.*

Keywords: *Authorized economic operators, customs audit, customs broker, customs warehouse owners, customs carriers, persons engaged in the import and (or) export of goods.*

Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида божхона тизими жаҳон стандартларига мос равишда имплементация қилинишини тақозо этади. Жаҳон стандартларидаги асосий талаблар божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақт сарфини максимал даражада камайтириш, ҳалол тадбиркорлик субъектларига нисбатан божхона назорати шакллари минимал даражада қўллаш, тизимни халқаро конвенциялар талабларига уйғунлаштириш ҳисобланади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, республикада ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш, шу жумладан, божхона маъмуриятчилиги соҳасида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат

божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармонига асосан 2019 йил 1 февралдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг “Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 363-сонли қарорига билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабларга жавоб берадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлар институти жорий этилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 500-сонли қарор билан ваколатли иқтисодий операторлар фаолиятини ташкил этиш белгиланган. Мазкур институтнинг жорий этилиши божхона тартиб-таомилларининг янада соддалаштирилишига, божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилиши керак эди. Маълум маънода бунга эришилди ҳам, лекин лойиҳа тўлиқ самара бермади. Ҳозирги кунга келиб республикамиздаги ВИОлар сони бор-йўғи 44 тани ташкил этиб, улардан 3 нафарининг мақоми актив ҳолатда эмаслиги¹, юқоридаги фикримизга яққол асос бўлади. Бу эса тизимда ҳал қилиниши керак бўлган етарлича муаммолар бор эканлигини билдиради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

“Ваколатли иқтисодий оператор қандай тушунча?”, “Ваколатли иқтисодий оператор ўзи ким?” каби саволларга бир қатор соҳа мутахассисларининг фикрларини ва ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифларни келтириб ўтамиз. Ваколатли иқтисодий оператор тушунчаси дунёнинг барча мамлакатларида деярли бир ҳил талқин этилади. Шундай экан, ваколатли иқтисодий операторга берилган бир нечта таърифларни кўриб чиқамиз.

Жаҳон Божхона Ташкилоти берган таърифга Ваколатли иқтисодий оператор — ташқи савдо билан шуғулландиган, миллий божхона органи ёки унинг номидан Жаҳон Божхона Ташкилоти ёки шунга ўхшаш уюшма томонидан хавфсизлик стандартларига мувофиқ деб топилган ҳар қандай юридик шахс ҳисобланади.²

Россия Федиратсияси Божхона академияси аспиранти Д. Викторович илмий тадқиқотлари кўрстадики хавфсизликни ошириш ва халқаро савдони соддалаштириш мақсадида Жаҳон Божхона Ташкилоти божхона бошқарувининг самарали воситалари ва тамойилларини ишлаб чиқмоқда ва жорий этмоқда.

¹ <https://customs.uz/oz/lists/view/237>

² http://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/ru/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/safe-package/aeo-and-sme_rus.pdf?la=en

Маълумки, 2005 йилда Жаҳон Божхона Ташкилоти платформасида жаҳон савдосининг хавфсизлиги ва енгиллаштиришнинг асосли стандартлари қабул қилинган бўлиб, улар ваколатли иқтисодий оператор институтини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, бу эса халқаро экспертлар томонидан қўллаб-қуватланади, халқаро товарлар етказиб бериш занжирининг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлайди ва ташқи савдо операциялари иштирокчилари томонидан имтиёзлар олишни назарда тутди.³

Ўзбекистон қонунчилигида ваколатли иқтисодий оператор(кейинги ўринларда – ВИО) — божхона операцияларни амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун “Ваколатли китисодий операторлар тўғрисидаги” Низом⁴ талабларига жавоб берувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ушбу Низомга кўра белгиланган талабларни бажарган юридик шахсларга нисбатан 3 турдаги ВИО гувоҳномаси, қуйидаги фаолият йўналишлари бўйича берилади:

- божхона брокерларига
- божхона омбори эгаларига
- божхона ташувчиларига
- товарларни импорт ва (ёки) экспортини амалга ошириш соҳасида фаолият юритувчи шахсларларга.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида “Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисида”ги Низом талабларини бажарган ва белгиланган божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланётган юридик шахслар сони 2022-йил март ойи ҳолатига кўра 44 тани ташкил қилмоқда. Бир қатор кўшни ва ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич сезиларли даражада юқори. Мисол учун Белоруссия ЕОИИ га аъзо давлатлар орасида энг катта кўрсаткичга эга бўлиб 330 га яқин ВИОлар рўйхатдан ўтган, Хитойда бу кўрсаткич 3200 дан ортиқни ташкил этса, АҚШда эса 10000дан ортиқни, Европа Иттифоқида 24000 дан ортиқни ташкил этади.

Бир қатор мамлакатлардаги ВИОлар сони

³ <https://cyberleninka.ru/article/n/upolnomochennyy-ekonomicheskiy-operator-spetsialnye-uproscheniya-kak-isklyuchitelnoe-pravo-na-sovershenie-tamozhennyh-operatsiy/viewer>

⁴ <https://lex.uz/docs/-4966537>



Ваколатли иқтисодий операторлар сонининг кўпайиши бевосита уларга қўйилган талаблар ҳамда берилган соддалаштиришларга боғлиқ бўлади. Таққослаш мақсадида бир қатор халқаро конвенциялар ва ривожланган мамлакатлардаги ВИО ларга қўлланиладиган соддалаштиришларни ҳамда қўйилган талабларни ўрганиб чиқдик:

Ваколатли иқтисодий операторларга бериладиган имтиёзлар ⁵					
Бериладиган имтиёзлар	ЎЗБЕКИСТОН	ЕАИИ	ЕВРОПА ИТТИФОҚИ	КИТО УСОДДАШТИРИШЛАРИ	ЯПОНИЯ
Тоифага ажратилиши	+	+	+	-	+
Товарларни декларациялаш ва чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини биринчи навбатда амалга ошириш	+	+	+	+	+
Оператор томонидан ташиладиган товарларга нисбатан товарни ташиш йўналишини белгиламаслик	+	+	+	+	+
Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, операторнинг товарларини жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган жойгача етказиб бериш	+	+	+	+	+
Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, операторнинг транспорт воситасида божхона транзитини амалга ошириш	+	+	+	+	+
Экспортга оператор томонидан қўйилган пломбаларни давлат божхона хизмати органлари томонидан идентификация воситалари сифатида тан олиниши	+	+	+	-	+

⁵ Internet ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi

Божхона операцияларини ўтказиш тартибини оптималлаштиришга қаратилган тажриба лойиҳаларида устувор иштирок этиш	+	+	-	-	+
<u>Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда божхона юк декларацияси тақдим этилгунга қадар товарларни чиқариб юбориш</u>	+	+	+	+	+
Алоҳида ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, товарларни шартли равишда чиқариш ва ҳужжатларни кейинчалик тақдим этиш	60 кун	+	+	+	+
Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) муддатини кечиктирган ҳолда, товарларни эркин муомалага чиқариш	20, 60 кун	+	+	+	+
Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни операторнинг бинолари, очиқ майдончалари ва бошқа ҳудудларига божхона назорати остида жойлаштириш	+	+	+	+	+
Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни чиқаришда уларнинг божхона қийматини шартли равишда аниқлаш	+	+	+	+	+
Товарларни вақтинча сақлаш учун божхона органининг рухсати билан ВИО эгалигида бўлмаган ҳудудларда биноларга жойлаштириш	-	+	-	-	+
Кўп партияли товарлар учун битти божхона юк декларациясини тақдим этиш	-	-	-	+	-
БЮД тақдим этилиб ундаги хатоликлар атайлаб қилинмаганлиги исботланганда ҳеч қандай жавобгарликка тортмасдан қайта тақдим этиш учун рухсат бериш	-	-	-	+	-

Юқоридаги таҳлиллардан бизда ВИОга қўйилган талаблар юқори, берилаётган соддалаштиришлар эса нисбатан кам эканли кўриниб турубди. Бу эса Ўзбекистон Республикасида ВИОлар институти жорий этилганига етарлича вақт бўлган бўлсада лекин ҳалигача ўз самарасини сезиларли даражада кўрсатмаслигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ВИОлар институтини ривожлантириш шунингдек уларни аудитдан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтаман:

1) Европа Иттифоқида ВИО сифатида рўйхатдан ўтиш учун қўйилган талабларни ўзимиздаги талаблар билан таққослайдиган бўлсак, бизда қўйилган талаблар анча юқорилигини кўришимиз мимкин. Бизда қўйилган талабларнинг юқори эканлигига сабаб асосий эътибор ҳалоллик билан бир қаторда, энг кўп операцияларга қаратилган, бу эса ҳамма вақт божхона тартиб-тамоилларига оғишмай амал қилиб келган, нисбатан кичик ҳажмдаги божхона операцияларини

амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари ВИО сифатида рўйхатдан ўта олмаслигига ва узок вақт давомида ҳалол ишлаб ҳам соддалаштирилган тартиблардан фойдалана олмаслигига сабаб бўлмоқда. Бу муаммони ечимини қуйидаги мулоҳазада кўришимиз мумкин. Бундай вазиятда муқобил ечим, бериладиган имтиёзларни ҳам маълум даражада камайтирган ҳолда (масалан: тўловни маълум бир қисмини қопламасдан кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш билан боғлиқ бўлган имтиёзлар) қўйилган божхона операциялари билан боғлиқ бўлган талабларни бир мунча соддалаштирган ҳолда янги гувоҳнома турини жорий қилиш бўлиши мумкин.

2) Бирлашган Араб Амирликларидаги ВИОлар институти ўрганиб чиқилганда, уларга бериладиган имтиёзлар бир мунча копроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан ВИОлар томонидан тақдим этилган декларациялар расмийлаштирилгандан сўнг, декларацияга ўзгартириш киритиш учун имтиёзли давр белгиланган, яни имтиёзли давр мобайнида товарга нисбатан ваколатли шахс ўзи тақдим этган декларациядаги хатони тўғирлаш мақсадида ҳеч қандай маъмурий санкцияларсиз ва ВИО реестирдан чиқарилмаган ҳолда декларацияни ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Мазкур имконият бевосита ВИОлар институти ривожланишига, шунингдек божхона расмийлаштирувида хато ва камчиликлар бўлган ҳолларда ВИОлар томонидан ўзлари хабар қилган ҳолда тез бартараф этилишига олиб келади. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, ушбу имконият миллий ВИОлар институтини ривожлантиришига маълум бир бўғини бўла олади. Яъни Ўзбекистонда ҳам ВИОлар учун юқорида тақидлангандек имтиёзли даврни (мисол учун: 60 календар кун) жорий этиш керак.

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги «Божхона аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 101-сон [қарори](#)да божхона аудити ВИО бўлган ёки ВИО бўлмаган ваколатли шахсларга нисбатан ҳам ўтказилиши мумкинлиги келтириб ўтилган. Божхона аудити ВИО бўлмаган ваколатли шахсларга нисбатан ўтказилганда ва ижобий хулосага келинганда, ваколатли шахс ВИОга қўйилган талабларни бажара олиш имкониятини ҳам ўрганилса ва бериладиган ижобий хулосага тавсиявий характерга эга бўлган, ВИОнинг бирор бир тоифасига киришга тафсия этилиши ҳақидаги маълумотларни акс этирилганда, ўша ваколатли шахс аудит хулосасини олгандан маълум бир муддат ичида (мисол учун: 10 кун) божхона органларига ВИО реестирга кириш ҳақида ариза берса Давлат божхона Қўмитаси томонидан кўриб чиқилмасдан аризага ижобий жавоб беришни амалиётга жорий этиш, ВИОлар институти ривожланишига ижобий ҳисса қўша олади деб ўйлайман.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2016.

2. Таможенный кодекс Евразийского экономического союза
3. Вейсель Каяоз: “Проблемы уполномоченных экономических операторов в развивающихся странах”
4. “China's Authorized Economic Operator (AEO) Program”: http://www.a-zlf.com.cn/eng_shownews
5. “COMPENDIUM OF AUTHORIZED ECONOMIC OPERATOR PROGRAMMES”:<http://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/global/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/safe-package/aeo-compendium.pdf>
6. <https://www.pwc.com/m1/en/services/tax/uae-authorized-economic-operator.html#:~:text=Introduction,through%20a%20mutually%20trusted%20relationship.>
7. <https://www.dubaicustoms.gov>
8. http://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/ru/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/safe-package/aeo-and-sme_rus.pdf?la=en
9. <https://cyberleninka.ru/article/n/upolnomochennyy-ekonomicheskiy-operator-spetsialnye-uproscheniya-kak-isklyuchitelnoe-pravo-na-sovershenie-tamozhennyh-operatsiy/viewer>